

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2002 йил 16 ноябрда 1188-сон билан рўйхатга олинган  
Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқарши ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитасининг  
2002 йил 29 октябрдаги 322-сон буйруғи билан тасдиқланган

## Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисида маълумотни тақдим этиш қоидалари

Мазкур Қоидаларга қўйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

*AB 19.05.2008 й. 1188-1-сон билан рўйхатга олинган МЧРРДК Буйруғи,*

*AB 14.07.2010 й. 1188-2-сон билан рўйхатга олинган МЧРРДК Буйруғи,*

*AB 29.08.2013 й. 1188-3-сон билан рўйхатга олинган Давлат рақобат қўмитаси  
Буйруғи*

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 59-модда; 2002 йил 4-5-сон, 74-модда) ва “Реклама тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил 1-сон, 14-модда) қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган, театр-концерт тадбирларида мусиқий асарларни ижро этиш пайтида (мусиқий асарларнинг омма олдидаги ижросида) фонограммадан фойдаланиш тўғрисида маълумотнинг мазмуни ва уни тақдим этиш шаклига нисбатан талабни белгилайди.

Мазкур Қоидаларнинг амал қилиши текинга ўтказиладиган театр-концерт тадбирларига татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 6-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 59-модда; 2002 йил, 4-5-сон, 74-модда) мусиқий асарлар театр-концерт тадбирларида фонограммадан фойдаланиб ижро этилган ҳолларда тадбир ташкилотчилари истеъмолчиларга фонограммадан фойдаланилганлигини ўз вақтида маълум қилишлари шарт.

Мусиқий асар вокал, инструментал (чолғу) ёки вокал-инструментал (вокал чолғу) ижросининг ижрочиси (ижрочилари) томонидан имитация (тақлид) қилиш билан бир вақтда мусиқий асар (ёки унинг таркибий қисми) фонограммаси омма олдидаги ижроси чоғида тақлидлик мазкур Қоидалар мақсадида фонограммадан фойдаланиш ҳисобланади.

3. Фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги хабарда “фонограмма орқали ижро этилади” сўзлари бўлиши керак. Театр-концерт тадбирида фонограммадан фойдаланиш ҳажмига боғликликда фонограммадан фойдаланиш кўрсатмаси бутун мусиқий дастур ёки бутун мусиқий асарга нисбатан қўлланилиши мумкин. Хабарда фонограммадан фойдаланиш шакли (усуллари) ҳам кўрсатилиши мумкин.

4. Фонограммадан фойдаланилиши тўғрисида хабар театр-концерт тадбирининг рекламаси, эълонлари, анонслари, афишалари, дастурларида реклама, эълон, анонс, афиша, дастур тилида жойлаштирилади.

5. Театр-концерт тадбирининг рекламаси, эълони ёки анонси телевидениеда берилаётганида фонограммадан фойдаланилиши тўғрисида хабар овоз ёки матн форматида бориши мумкин.

Фонограммадан матн форматида фойдаланилиши тўғрисида хабар:

горизонтал жойлаштирилиши;

фон билан таққослаганда аниқ гаммага эга бўлиши;

экран майдонида камида 5 фоизни эгаллаши;

давомлилиги реклама, эълон ёки анонснинг ўзидан кам бўлмаслиги керак.

Фонограммадан фойдаланилиши тўғрисида овоз форматидаги хабар давомлилиги реклама, эълон ёки анонснинг бошланиши ёки охирида камида 3 секунд бўлиши керак.

6. Театр-концерт тадбирининг рекламаси, эълони ёки анонси радиода берилганида фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги хабар давомлилиги реклама, эълон ёки анонснинг бошланиши ёки охирида камида 3 секунд бўлиши керак.

7. Телевидение (овоз форматида) ва радиода фонограммадан фойдаланилиши тўғрисида хабарнинг баландлиги театр-концерт тадбири рекламаси, эълони ёки анонсининг ўз баландлигидан паст бўлмаслиги керак.

8. Коғоздаги ифодаловчиларда жойлаштириладиган эълонлар ва анонсларда, шунингдек афишалар, дастурлар ва чипталарда фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги хабар:

горизонтал жойлаштирилиши;

фон билан таққослаганда аниқ гаммага эга бўлиши;

эълон, афиша, анонс майдонининг камида 5 фоизини эгаллаши керак.

9. Мазкур Қоидалар талабларига риоя этиш устидан назорат белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

## **ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

10. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилган.